



МУНОСАБАТ



ДАВЛАТ ТИЛИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИДА ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛАДИГАН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛГАН ҚУТЛУҒ САНА ШУБҲАСИЗ 21 ОКТЯБРЬ - ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИДИР. БУ КУН НАФАҚАТ БУТУН ЮРТИМИЗГА БАЙРАМ ШУКУҲИНИ БАҒИШЛАЙДИ БАЛКИ, ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗНИ ЧЕКСИЗ ФАХР ВА ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИГА БУРКАЙДИ. КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИДА ҲАМ БУ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ.

► (Давоми 4-бетда)

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

ХАЛҚ ИШОНЧИ ЭНГ МУҲИМ МАҚСАД БЎЛИШИ КЕРАК

Барча соҳалар қатори кадастр тизимида ҳам коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, қонун талабларининг сўзсиз устуворлигини таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан Давлат кадастрлари палатаси Бухоро вилоят бошқармаси ва Кадастр агентлиги Бухоро шаҳар филиали фаолиятининг ўрганилиши жамият ривожига тўсиқ бўлаётган иллат – коррупцияга қарши курашиш, давлат хизматларида шаффофликни ошириш ва инсон омилини камайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

► (Давоми 7-бетда)

МУЛОҲАЗА

ДАБДАБАЛАР – МАЪНАВИЙ БЎШЛИҚ ҲОСИЛАСИ

Терроризм балосига қарши курашга бел боғлаган замондошларимиз ҳақидаги бадиий фильм экранга қўйилди. Бадиий жиҳатдан анча пухта фильмда турли миллатга мансуб халқ ўғлонларининг жасорати, инсонпарварлиги улуғланади. Фильм қаҳрамонларидан бири - ўзбек йигити Шариф жуда жасур, ориятли, виждонли. Энг оғир дамларда қардош дўстлари унга суянади, унга ишонади. Шариф энг хавфли нуқталарга биринчи бўлиб боради. Топшириқни аъло даражада бажаради. Унинг Тошкентдан эканини, уч қизи борлигини қуролдош дўстлари яхши билади. Шариф ўлимдан қўрқмайди. Аммо у ўлмаслиги лозим. Чунки уйда учта қизи улғаймоқда. Шу қизларни узатиш керак.



► (Давоми 8-бетда)

САРҲИСОБ

ФРАКЦИЯМИЗ НИМАЛАРГА УЛГУРДИ?




СИЁСАТДА ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА ҲИСОБДОРЛИКДИР. ҲИСОБДОРЛИК БОР ЖОЙДА НАТИЖА ҲАМ БЎЛАДИ. НИМАЛАРГА ЭРИШДИК, ҚАЙСИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА ҲАЛИ УЛГУРМАДИК, ДЕГАН САВОЛЛАРНИ БЕРИБ, ШУНГА ЖАВОБ ҚИДИРИШ МАСЪУЛИЯТИ БИЛАН ЮРИШ ҲАМ ФАЗИЛАТ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ОЙЛИК ФАОЛИЯТИДАН ШУНДАЙ САВОЛЛАРГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ ЧИҚАДИ?

► (Давоми 2-бетда)

НУҚТАИ НАЗАР

ЎСИШ, РИВОЖЛАНИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ НОЁБ МАРКАЗИ



3

ДЕПУТАТ СЎРОВИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА?

ДЕПУТАТ СЎРОВИ – БУ ДЕПУТАТНИНГ ТЕГИШЛИ ҲУДУДДА ЖОЙЛАШГАН ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИГА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИГА КИРАДИГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН АСОСЛАНТИРИЛГАН ТУШУНТИРИШ БЕРИШ ЁКИ ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРИНИ БАЁН ҚИЛИШ ТАЛАБИ КЎРСАТИЛГАН МУРОЖААТИ ҲИСОБЛАНАДИ.

► (Давоми 3-бетда)

ФРАКЦИЯМИЗ НИМАЛАРГА УЛГУРДИ?

САРҲИСОБ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Парламентда муҳолифат куч сифатида фаолият юритаётган Халқ демократик партияси фракцияси учун йилнинг ўтган даври натижалар, ташаббуслар ва албатта, жиддий хулосаларга бой давр сифатида ёдда қолмокда, десак, муболаға бўлмас.

Фракция аъзолари сайловчилар билан учрашди, бир нечта қонун лойиҳаларини қизғин муҳокама қилди, ижтимоий тенглик ва инсон манфаатлари ҳимояси йўлида бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Депутатларимиз нафақат парламент минбарида, балки жойларда ҳам фаол бўлди, фуқаролар билан очик мулоқотлар ўтказди, уларни қийнаётган масалаларни тинглади ва давлат идораларига депутатлик сўровлари юборди.

Бу орқали кўплаб амалий ечимларга эришилди. Энг муҳими, ҳар бир чиқиш, ҳар бир тақлиф, ҳар бир ҳаракат ортисида – юртдошларимизнинг турмуши, муаммоси ва умиди турибди.

Фракция томонидан партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурда илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмокда. Фракциянинг йил бошида белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда бошқа тадбирлар самарали ташкил этилган.

ХАЛҚ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ИФОДАСИ

Айтиш керакки, бизнинг фракция ана шундай позицияни тутадиган куч сифатида ўз фаолиятини олиб бормокда. Унинг мақсади — рақобат ёки тўсиқ яратиш эмас, балки жамиятдаги турли фикрларни ифода этиш, қонун лойиҳаларига халқ нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Шундан келиб чиқиб, ҳисобот даврида фракциямиз аъзолари парламент минбарида туриб, ҳар бир қонун лойиҳасини одамлар ҳаёти нуқтаи назаридан кўриб чиқишди. Қонун қаерда ишлайди, қаерда тўхтаб қоляпти — шунга таҳлил қилди, тақлиф берди, сўради, талаб қилди. Бу — танқид эмас, яхшироқ қилишга уриниш, деб айтса бўлади.

Йилнинг ўтган даврида муҳолифат фракция сифатида "Ўзбекистон-ижтимоий давлат" тамойилини амалга оширишда сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳукумат томонидан Қонунчилик палатасига киритилаётган давлат дастурлари ва Бюджет ижросининг таъминланиши ҳамда қонун лойиҳаларининг электорат манфаатларига тўғридан-тўғри хизмат қилишини таъминлашда ўзининг конструктив позициясини эълон қилиб борди.

Зокиржон ЗОҲИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

- Давлат бюджети муҳим ҳужжат. У ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, ҳар бир оиланинг турмушига бевосита таъсир этади. Шу маънода унинг лойиҳасига

қараб, давлатдаги ижтимоий сиёсатга баҳо бериш мумкин. Парламентда бюджет ижросини муҳокама қилиш жараёнида фракциямиз ниҳоятда фаол иштирок этди. Депутатларимиз ҳар бир йўналишни халқ манфаатидан келиб чиқиб баҳолаб, ижтимоий адолат тамойилига асосланган тақлифларни илгари суришди.

Давлат бюджети ижросини кўриб чиқиш жараёнида ҳукумат ўз эътиборини натижадорликка қаратиши, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига бюджетдан йўналтирилган маблағларнинг мақсадли сарфланишига шахсий жавобгарлигини кучайтириши ва таъсирчан чоралар кўриш бўйича бир қатор тақлифлар бердик. Бюджет маблағларини олган ҳар бир вазирликни натижадорлик ва самарадорлик кўрсаткичлари натижасига кўра, молиялаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўзлаштирилмаган ёки самарасиз фойдаланилган маблағларни келгусида ажратмаслик чораларини кўриши бўйича конструктив тавсияларни тақдим қилдик.

Шунингдек, Давлат бюджети ижроси ҳисоботини кўриш жараёнида унинг кўпроқ маълумот шаклида тайёрланганлиги, амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги бўйича таҳлилий ҳисобот келтирилмаганлиги депутатларимиз томонидан асосли танқид остига олинди.



ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ: ФИКРЛАР ВА ТАҚЛИФЛАРДА ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

Фракциямиз учун қонун ижодкорлиги энг катта масъулият ва энг муҳим вазифадир. Шундан келиб чиқиб, депутатларимиз бу жараёнда фаол иштирок этмокда.

Бугунги кунга қадар халқ демократик партияси фракциясининг қонун ижодкорлиги режасидан ўрин олган 10 та қонун лойиҳасидан бири тўлиқ ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Қонунчилик палатасига киритилди.

Қолган тўққизта қонун лойиҳасидан олтитаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилиб, муҳокама натижасида қабул қилинган. Шу билан бирга, иш режадан ташқари яна бир қонун лойиҳаси фракциянинг ташаббус ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган.

Бундан ташқари, фракция аъзолари бошқа сиёсий фракциялар билан ҳамкорликда 5 та қонун лойиҳасига ҳамташаббускор сифатида қатнашишди. Бу эса фракциянинг

қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаоллиги ва конструктив ёндашувини яна бир бор намоён этди.

Масалан, бир гуруҳ депутатларимиз меҳнат соҳасидаги қонун нормаларининг амалда тўғри қўлланилиши, айниқса, ҳомиладор аёллар ҳамда оилавий мажбуриятларни бажараётган шахсларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқирилишида фаоллик кўрсатишди.

Лойиҳа ҳомиладор аёллар ва ёш болали ота-оналарнинг ортқича оврагарчиликларини камайтириш, уларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қўллаб-қувватланди ва Сенатга юборилди. Бу ташаббус фракциянинг ижтимоий адолат ва оила манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги амалий қадамларидан бири бўлди, дейиш мумкин.

Қонун лойиҳаларининг ҳақиқий



халқчил бўлиши учун уларни нафақат марказда, балки жойларда ҳам муҳокама қилиш амалиёти давом эттирилди. «Марказ – вилоят – туман» тизими асосида лойиҳалар партиянинг вилоят ва туман кенгашларида, шунингдек,

Айтиш керакки, фракция томонидан ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш ишлари ҳам изчил давом эттирилди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлисларида мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

Фракция тақлифи асосида сайловчиларни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, жойларда қонунлар ҳамда давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида икки марта "Ҳукумат соати" ўтказилди. Шунингдек, икки фракция ййгилишида мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотлари эшитилди.

Натижада фракция фаолияти фақат қонун ижодкорлиги билан чекланиб қолмай, халқнинг овозини эшитадиган ва амалий ечимга етаклайдиган ҳақиқий минбарга айланмокда.

Фракция сайловчилар овозини эшитиш ва уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишда ҳам фаол бўлди. Аҳоли билан

учрашувларда билдирилган масалалар бўйича икки марта парламент сўрови юборилиб, тегишли идоралардан аниқ жавоб ва тушунтиришлар олинди.

Фракция аъзолари сайловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли муурожаатлари ҳамда жойлардаги учрашувларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш мақсадида жами 25 та депутатлик сўрови юбордилар. Шу билан бирга, фракция мажлисларида қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида 9 маротаба мансабдор шахсларнинг ахборотлари эшитилди.

МУЛОҚОТ БОР ЖОЙДА ИСЛОҲОТ САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Ҳар бир қонун, ҳар бир қарор — халқ овозидан, халқ эҳтиёжидан бошланади. Шунинг учун ҳам фракция аъзолари "халқ ичида бўлиш" тамойилига амал қилиб, турли ҳудудларда сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмокда. Бу мулоқотларда одамларнинг дарди эшитилди, тақлифлари ёзиб олинди, қийнаётган муаммоларга аниқ ечим изланди.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

- Халқ билан мулоқот — бу фақат сўхбат эмас, балки ишонч ва масъулият кўпригидир. Биз ҳар бир учрашувни халқ овозини эшитиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини англаш имконияти, деб биламиз.

Фракциямиз томонидан депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти самарадорлигини ошириш, сайловчилар билан яқин мулоқот ўрнатиш ва аҳоли муурожаатларига ечим топиш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилди. Бу орқали жойларда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда давлат дастурларининг ижроси ўрганилди, ижтимоий соҳадаги долзарб муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида фракция аъзолари сайлов округларида 900 дан ортиқ учрашувлар ўтказди. Шунингдек, 601 та хонадонга таъриф буюрилиб, 31 810 нафар фуқаро, жумладан, 2594 нафар тадбиркор билан бевосита мулоқот қилинди. Бу жараёнларда 897 та ижтимоий соҳа объекти фаолияти ўрганилиб, улардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий чоралар белгиланди.

Албатта, фракциянинг халқ билан доимий мулоқотда бўлиши — халқ ишончини мустаҳкамлашдаги энг муҳим омилдир. Ҳар бир хонадонга кириш, ҳар бир фуқарони эшитиш — бу оддий рақам эмас, балки одамлар тақдирига дахлдор масъулият ифодасидир. Шу маънода, фракциянинг ҳар бир таърифи — халққа яқинлашиш, парламент обрўсини халқ кўз ўнгига мустаҳкамлаш сари ташланган амалий қадамдир.

Ҳар бир муурожаат — бу халқ овози, халқ дарди. Шу овозларга бефарқ бўлмаган фракция вакиллари нафақат эшитиш, балки амалий ёрдам беришга ҳаракат қилишяпти. 136 та ижобий ҳал этилган муурожаат — бу камида шунча мамнун бўлган инсонлар, қувонч инган хонадонлар, миннатдор чехралар дегани. Бу фаолиятнинг ҳақиқий қиммати айнан шунда намоён бўлади.

Яна бир гап. Фракциянинг 20 дан ортиқ тадбир ва 40 дан зиёд ййгилишлардаги фаол иштироки унинг фақат назоратчи эмас, балки ташаббускор ва ҳаракатлантирувчи куч эканини намоён қилди. Муҳокама қилинган 300 дан зиёд масала орқали жамиятдаги энг долзарб йўналишлар қамраб олинди. Бу ишларнинг замирида халқ манфаати, қонун устуворлиги ва жавобгарлик туйғуси ётади.

ФРАКЦИЯ ВА ПАРТИЯ

Кўриб чиқилаётган даврда фракция партия билан бирга ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Пенсияерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш фаолиятининг устувор йўналиши бўлди.

Шу мақсадда "Депутат маҳаллада", "Қувонч ва меҳр улашайлик", "Саломатлик акцияси", "Орзулар дунёси", "Сиёсатдаги ёшлар", "Имкон", "Имконияти чексиз аёллар", "Маҳаллада қамбағал оилалар сонини камайитириш" каби лойиҳалар амалга оширилди.

Мазкур ташаббуслар доирасида фракция аъзолари ва партия ходимлари 180 дан зиёд ҳудудларда бўлиб, 81 мингдан ортиқ сайловчи билан учрашдилар. Уйма-уй юришлар давомида 8 500 нафардан зиёд ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар билан мулоқот қилинди. Шунингдек, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган 3 700 дан зиёд фуқаролар ҳолидан хабар олинди.

Бундан ташқари, 9 та "Мурувват" ва 3 та "Саховат" интернет уйларида мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Бу ишлар фракциянинг халққа яқин бўлиш, жамиятда муҳтож қатламлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва ижтимоий адолат тамойилларини амалда таъминлашга интилаётганини кўрсатади.

Шундай қилиб, фракция фаолияти рақамлар ортидаги минг-минглаб одамлар тақдир, халқ манфаати ва давлат тараққиётига қаратилган амалий ҳаракатдир.

Ҳар бир қонун ҳаётга хизмат қилсагина қадрли. Ҳар бир мулоқот инсон юрагига етиб борсагина самарали. Шу йўлдан бориш фракциянинг энг катта масъулияти, буни ҳеч бир депутат унутмаса, шунга муносиб ҳаракат қилса бўлгани.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати

НУҚТАИ НАЗАР



ЎСИШ, РИВОЖЛАНИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ НОЁБ МАРКАЗИ



Анваржон НУРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Маҳалла нафақат ҳудудий бошқарув шакли, балки аҳолининг кундалик ҳаёти, муаммолари ва орзу-умидлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ноёб ижтимоий институт ҳисобланади. У ватан ичра кичик ватан, аждодларимизнинг юксак тафаккурини, урф-одатлар ва анъаналарини ўзида мужассам этган маскан ҳамдир. Сўнгги йилларда соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида у ҳаётимизга дахлдор бўлган барча масалаларни ҳал этишда халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилмага айланди.

Хусусан, маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилгани, зарур шароитлар, ресурс ва ваколатлар берилгани самарасида бугун барча масалалар шу ернинг ўзida ҳал этилмоқда. Давлат раҳбари раислигида маҳалла тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу тизимни ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар том маънода унинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада оширади. Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳаллалардаги ҳар бир имконият ўрганилиб, иш ўринлари яратилмоқда. Айниқса, маҳаллаларга банкир ва солиқчилар бириктирилиб, инфратузилмани яхшилаш учун алоҳида маблағлар ажратилаётгани юқори самара бераётир. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ижобий натижаларга эришаётган маҳаллаларимиз ҳам кўп. Бироқ айрим маҳаллаларда ягона жамоа бўлиб ишлаш, мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш борасида айрим муаммолар кузатилаётгани бу борада зарур

чоралар кўришни тақозо этади. Шу сабабли йиғилишда Норин туманидаги “Шўрарик” маҳалласи барча вилоят ҳокимлари, республика, вилоят, туман раҳбарлари ва “еттилик” учун кўзгу, сифат ва компетенцияни оширишга ўндовчи омил сифатида кўрсатиб ўтилди. Ушбу маҳалла тажрибасининг алоҳида тилга олиниши бежиз эмас. Чунки маҳалладаги ҳар бир имкониятни аниқлаб, уни истиқболли лойиҳага айлантириш, иш ўринларини яратиш ва аҳолининг даромадини оширишга қаратилган аниқ режалар ишлаб чиқилган. Банкир ва солиқчиларнинг кўмаги, ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали “Шўрарик” маҳалласи қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришди. Мазкур маҳалла тажрибасини ўрганиш ва ўз ҳудудида қўллаш орқали бошқа маҳаллалар ҳам иқтисодий ривожланиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга эришиши мумкин. Ўтган ҳафта имзоланган туман, шаҳар ва маҳаллаларни намунали ҳудудга айлантиришга қаратилган Президент қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб борадиган 33 та туман, 330 та оғир маҳалла белгилаб олинди. Мазкур ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ортда қолаётган ҳудудларни

қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва инфратузилмани модернизация қилишга қаратилгани билан диққатга сазовор. Ажратилаётган маблағлар йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, канализация тизимларини модернизация қилиш, мактаблар, шиφοхоналар, маданият марказлари ва спорт майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, касб-хунарга ўқитиш ва иш билан таъминлашга сарфланади. Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида ортда қолаётган ҳудудларнинг ривожланиши тезлашади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, янги иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, камбағаллик даражаси қисқариб, инфратузилма модернизация қилинади. Афсуски, маҳалла банкирлари, ҳоким ёрдамчилари ҳар бир маҳаллада ўртача 40 тадан микролойиҳа қилиши учун уларга жорий йилда 6,5 триллион сўм ресурс берилганига қарамай, ҳамма ҳокимлар ва “маҳалла еттилиги” ҳам бир хил ишламаётир. Ҳудудлардаги 2 минг 356 та маҳаллада эса ҳали ихтисослашув даражаси анча паст. Йиғилишда мутасаддиларга барча маҳаллада ихтисослашувни охирига етказиш лозимлиги

кўрсатиб ўтилди. Бунда маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб, уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, аниқ ихтисослигини белгилаш, камида 200 минг аҳолини банд қиладиган микролойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди. Келгуси йилдан мева-сабзавотга ихтисослашган 2 минг 682 та маҳаллага саноат олиб кириш учун имтиёзли ресурслар, аввало, сақлаш, қайта ишлаш ва қадқоқлаш лойиҳаларига тақдим этилиши, Қонунчилик палатаси депутатларига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар бирига 3 миллиард сўмдан маблағ берилиши, маҳаллалар бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллиард сўмдан ажратилиши мўтлақо тўғри ва оқилона қарор бўлди, деб ўйлаймиз. Чунки бу орқали маҳаллаларнинг молиявий мустақиллиги таъминланиб, маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланади ва аҳолининг турмуш даражаси ошади. Видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Биз, халқ вакиллари маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ва ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз ва уларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишимиз лозим бўлади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА?



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар бир сўров фуқароларнинг ҳаётий масалалари, ижтимоий тенденциялар ва давлатдан кутилаётган ёрдам ҳақида сўзлайди. Шу тариқа, сўровлар жамиятдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни самарали ҳал этишда асосий восита сифатида хизмат қилади.

Халқ демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари ўз фаолиятида депутатлик сўрови институтидан кенг фойдаланмоқда. Халқ вакилларининг таъкидлашича, сўровлар орқали олинган маълумотлар депутатларга стратегик қарорлар қабул қилишда асос бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш имконини беради. Газетамизнинг ушбу сонida депутатларимиз сўровлари хусусида қисқача тўхталишни жоиз топдик.

МАҚСАД - ЁШЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Маълумки, фанлар мажмуасида чет тили биринчи фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига фақатгина В 2 даражасидаги миллий ёки халқаро сертификат эгалари ҳужжат топширишга ҳақли.

Шунингдек, мазкур сертификат эгаларига тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани киритилган барча бакалаврият таълим йўналишларига ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилиши назарда тутилган. Амалиётида мактаб битирувчиларининг аксарияти (қўшимча дарсларга қатнашини ҳисобга олган ҳолда) чет тилларини (инглиз, рус, француз, немис ва бошқа) В 1 даражада ўзлаштирмоқда, бу эса ОТМларга киришдаги талабдан паст. Маълумотларга кўра, ОТМларнинг кундузги таълим шаклида умумий қабул параметрлари доирасида қолган вакант ўринлари 19 279 тани ташкил этган, шундан қарийб 1000 таси филология ва тилларни ўқитиш, таржима назарияси ва амалиёт ҳамда хорижий тил ва адабиёти йўналишларига тегишлидир. Ёшларнинг олий таълим олиш имкониятини кенгайтириш борасида умумий таълим муассасаларида чет тилига ўқитиш даражаси ОТМларга ўқишга қабул

қилишдаги чет тилига қўйилган талабга мутаносиблигини таъминлаш ва мазкур масалани ёшлар манфаати учун ҳал этиш бўйича Қонунчилик палатаси депутати Сайёра Имомова томонидан мактабгача ва мактаб таълими вазири Ёъоззохн Каримовага депутат сўрови юборилди.

ОШ ТУЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МЕЪЁРЛАРГА АМАЛ ҚИЛЯПТИМИ?

Ўзбекистон ХДП масъуллари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳ республикамызда ишлаб чиқарилаётган ош тузининг йодланганлик даражаси ва ишлаб чиқариш стандартларига қанчалик амал қилинаётгани бўйича ўрганиш олиб борди. Ўрганишларда ҳудудлардаги айрим ишлаб чиқарувчилар йодлаштириш талабларига тўлиқ амал қилмаётгани аниқланди. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги “Хўжайкон туз” МЧЖда ош тузи тегирмонда майдаланиб эланмасдан йодлаш ускунасига ўтказилаётгани, ишчилар учун етарлича шароит яратилмагани аниқланган бўлса, “Чорбоғ Баракали Туз” МЧЖ ҳамда “РАСУЛЗОДАТУЗ” МЧЖда қурилиш ишлари битказилмаган, том қисми очик, ҳаво айланаш қурилмалари ўрнатилмаган, чанг ушлаб қолувчи ускуналар уланмаган биналарда туз ишлаб чиқараётгани ва йодлаш технологик жараён асосида олиб борилмаётгани

маълум бўлган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Пардаев Шеробод туман ҳокимлигига ва туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш масаласида депутат сўрови юборди.

СЎРОВДАН СЎНГ ЙЎЛ ТАЪМИРЛАНДИ

Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашидаги депутатимиз Ф.Турсункулов “Авлод” маҳалласидаги фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўтказиб, ҳудуд аҳолисини қийнаётган муаммолар ҳақида сўхбатлашди. Сайловчиларнинг маълум қилишича, маҳалладаги энг оғриқли муаммо ички йўлларнинг таъмирталаб бўлиб, ҳаракатланиш учун қийинчилик туғдираётганидир. Депутат йўлларнинг ҳолатини кўриб, уларни таъмирлатиш учун тумандаги масъул идорага мурожаат қилди. Депутат сўровидан кейин туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси йўлларни таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Натижада маҳалла ички кўчаларининг транспортлар ҳаракатланиш учун ноқулай бўлган 700 метр қисми таъмирланди.

Ўз мухбиримиз

МУНОСАБАТ

ДАВЛАТ ТИЛИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, давлат раҳбарининг Ўзбекистон халқига байрам табригида давлат тилини ривожлантириш борасида кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар билан биргаликда ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасидаги муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши она тилимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш мақсадида мазкур қарорнинг қабул қилиниши кейинги йилларда она тилимизни асраб-авайлаш, унинг мавқеини ошириш, ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди, десак тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда бошланган том маънодаги тарихий ислохотлар туфайли ўзбек

тили ривожда ҳам янги давр бошланди. Бу борада 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ҳамда “2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш” концепцияси муҳим аҳамият касб этди. Мазкур концепцияда узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, давлат тилини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санаси “Ўзбек тили байрами кuni” деб эълон қилинган тарихий воқеа бўлди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолияти йўлга қўйилди. Миллий боғ ҳудудида ўзбек адабиётининг буюк намояндалари, тилимизнинг чинакам жонқуярлари хотирасига бағишланган Адиблар хиёбони ташкил этилди. Атоқли адиб ва шоирларимиз номида ижод мактабларининг очилиши миллий тил ва адабиётимизнинг нуфузини ошириш, бой маънавий меросимизни чуқурроқ ўрганиш, ёш авлодга тилимизнинг тароват ва нафосатини етказишга хизмат қилмоқда.

Байрам арафасида қабул қилинган қарорда ҳам давлат тилини янада ривожлантиришнинг асосий мақсадлари белгилаб берилган.

Жумладан, унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, софлигини сақлаш ва лугат бойлигини мунтазам ошириб бориш, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари ўз ифодасини топган. 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури тасдиқланган.

Шунингдек қарорда давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ошиши ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ҳам ортиб боришига замин яратди.

Узоққа бормайлик, яқиндагина Ўзбекистон етакчисининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи сеҳрли диёр, мухташам йигин ва юксак минбардан ўзбек тилида янгради. Миллий ғуруримиз, номуслимиз, шаънимиз бўлмиш она тилимиз мавқеи дунё миқёсида юксалиб бораётганидан бошимиз

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш мақсадида мазкур қарорнинг қабул қилиниши кейинги йилларда она тилимизни асраб-авайлаш, унинг мавқеини ошириш, ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди, десак тўғри бўлади.

кўкка етди. Яна ҳам қувонарлиси эса бу биринчи марта эмас.

2020 йил 23 сентябрда Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Бош Ассамблея тарихида илк маротаба ўзбек тилида нутқ сўзлаб, халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини ҳамда Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини она тилимизда тақдим этган эди. “Жаҳон минбарларида илғор тақлиф ва ташаббусларни ўзбек тилида ифодаласа бўлар экан-ку...” дея чексиз ҳаяжон ва фахр-ифтихорга тўлган эдик. Кейинчалик мазкур нуфузли ташкилотнинг 78-сессиясида ҳам қалбимизда ўша ҳаяжонлар такрорланди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Буюк

аждодаларимиз – мутафаккир алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдимотини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миқёсида ўтказишни тақлиф этган бўлса, Туркий давлатлар ташкилоти саммитида “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди – Туркий дунё маънавий ҳаётида” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш тақлифи билдирилди.

Буларнинг барчаси ҳар бир ватандошимиз қалбига чексиз фахр-ифтихор туйғуларини ўйғотиши табиий. Ўз навбатида миллий ғуруримиз, ор-номусимиз ва шаънимиз бўлган она тилимизни улуғлаш, авайлаб-асраш ва ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг виждоний ва инсоний бурчимиздир.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

Ҳар бир инсоннинг муносиб шароитда меҳнат қилиб, даромад топиши, ишсизликдан ва камбағалликдан ҳимояланишини таъминлаш ижтимоий давлатга хос муҳим шартлардан. Кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу борада қатъий позицияга эга тақлиф ва ғояларни илгари суриб келади.

17 октябрь куни давлат раҳбарининг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашуви чоғида билдирилган фикрлар, янги ташаббуслар ҳам пировардида инсон ва унинг меҳнатини, қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун билиш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугун дунёда мураккаб вазият ҳукмрон. Геосиёсий ва иқтисодий кескинликлар шароитида юртимизда тинчликни сақлаш, кўп миллатли халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари изчил олиб борилмоқда. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар туфайли саккиз йилда иқтисодиётимизга 130 миллиард доллар инвестиция кириб келгани, минглаб янги қувватлар ишга туширилиб, миллионлаб доимий иш ўрни яратилгани эътирофга лойик. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигини кафолатлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши учун мустаҳкам қонуний асослар яратилган, жумладан, янгиланган Конституциямиз, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар амалиётга йўналтирилгани дадил қадмалардан бўлди.

Мулоқотда шу хусусида сўз борар экан, Янги Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш етакчи йўналиш бўлиб қолаётгани, ижтимоий институтларни қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан юз карра ошиб, бу йил 1 триллион 200 миллиард сўмга етгани таъкидланди.

Қайд этилдики, Янги Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандартларини қабул қиладиган энг фаол давлатлар

ИНСОН МЕҲНАТИ ВА
ҚАДР-ҚИММАТИ БЕБАҲО

сафидан жой олмоқда. Саккиз йил олдин ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ҳужжатлари сони 12 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда 25 тага етди.

Узоқ йиллар жамиятимизда оғриқли масала бўлиб келган болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга ҳам узил-кесил барҳам берилди. Давлатимизнинг бу бўйича тажрибаси ҳатто ХМТ томонидан бошқа мамлакатларга намуна қилиб кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Адолатли ўтиш жараёнлари учун иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя бўйича глобал акселератор” ташаббусида иштирок этмоқда, ХМТнинг “Ижтимоий адолат бўйича глобал коалицияси”да қатнашмоқда ва мамлакатимиз ўтган йили ушбу ташкилотнинг Маъмурий Кенгаши аъзолигига сайланди.

Мана шундай залворли натижаларга эришишда 8 миллионга яқин аъзога эга, энг халқчил ва йирик нодавлат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор. Бинобарин, касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланаётгани ўз самарасини бермоқда.

Учрашувда касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги жонбозлиги тилга олинди.

Маълум бўлишича, кейинги йилларда юртимизда 500 мингга яқин ишчи-ҳодимнинг қонуний манфаатлари адолатли ҳимоя қилинган ва уларнинг фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилган. Ишдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланган 1 минг нафар ходимга 35 миллиард сўм тоvon пули тўланган. Бундан ташқари, ноҳақ бўшатишган 13 минг ходим ишга тикланган. Тўрт йил олдин Меҳнат ва

ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилгани касаба уюшмалари фаолиятида янги йўналиш бўлди.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг муҳим параметрларидан бири – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда, ишчи-ҳодимлар манфаатини кафолатли ҳимоя қилишда янги ёндашувларга зарурат сезилмоқда. Чунки меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини кўпайтириш масаласи кўпинча бир томонлама, яъни давлат идораларининг ҳисоб-китоби ва тақлифи билан ҳал қилинаётгани сир эмас.

Шу нуқтаи назардан келгуси йилдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини (Касаба уюшмалари федерацияси, Бандлик вазирлиги, Иш берувчилар конфедерацияси) ҳам жалб этиш тақлифи билдирилди.

Ҳозирги рақамли тараққиёт шароитида меҳнат муносабатлари соҳасида замонавий шакллар ҳам кенг оммалашмоқда. Статистикада келтирилишича, бугунги кунда юртимизда 6 миллионга яқин аҳоли ўзини ўзи банд қилиб, рўзгорини тебратяпти. Улар орасида дастурчи, веб-дизайнер, хунарманд, такси ҳайдовчиси, курьер каби ўнлаб касбларда платформали бандлик асосида ишлаётганлар салмокли. Масофадан туриб ишлаш ва даромад топиш оммалашмоқда. Маҳаллаларни “драйвер” соҳаларга иқтисослаштириш ҳисобидан 1,5 миллион оила ўз хонадонида даромад манбаини яратган. Аниқроқ айтганда, яқин-яқингача ишсизликдан ва камбағалликдан қийналган минглаб ҳамюртларимиз энди меҳнат муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъектига айланмоқда. Бундай шароитда касаба уюшмалари ҳам маҳаллалар билан яқиндан ишлаши ҳаётий зарурат.

Ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам – хотин-қизларнинг жамиятда фаоллигини оширишда касаба уюшмалари етакчи куч бўла олиш салоҳиятига эга. Шундан келиб чиқиб, “Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида” деган шior асосида янги тизимни йўлга қўйиш тақлиф этилди.

Уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий, психологик, ҳуқуқий ёрдамга муҳтож, таъйиқ ва зўравонликка учраган опа-сингилларимизни ҳам “Аёллар дафтари” орқали қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларида хотин-қизлар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтириш, Федерация таркибидаги 14 та тармоқ касаба уюшмалари бўйича гендер тенгликни таъминлаш учун манзилли стратегиялар ишлаб чиқиш долзарб экани айtilди.

Турли сабаблар билан ишсиз қолган, меҳнат жараёнида касаллик ёки ногиронликка чалинган одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кафолатларини кучайтириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Тўғридан-тўғри амал қилувчи “Давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинишини тезлаштириб, унда ижтимоий сугурта жамғармасини шакллантиришда иш берувчи ва ҳодимлар иштироки аниқ белгилаб қўйилса, адолатли ечим бўлиши эслатиб ўтилди.

Инсон қадрини ошириш, барча фуқаролар учун адолатли ва қулай иш шароитларини яратиш мақсадида ХМТ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2030 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилмоқда. Ургу берилдики, ушбу дастур жадал ўсиб бораётган иқтисодиётимизни ижтимоий адолат билан уйғунлаштирадиган стратегик “йўл харитаси” бўлмоғи керак. Бунинг учун Касаба уюшмалари, шунингдек, Бандлик вазирлиги, Иш берувчилар конфедерацияси дастурда муносиб бандлик, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий сугурта, гендер тенглик, ёшлар ва инклюзивлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

ОҒРИҚЛИ НУҚТА

УНУТИЛГАН АҲДУ ПАЙМОНЛАР ёхуд никоҳ шартномаси нима учун керак?

Масрура 19 ёшга тўлар-тўлмас “оқ либос” кийди. Совчиларнинг кунда-шунда эшик қоқавериши, кекса бувисининг “Қиз боланинг бозори бир марта бўлади, тенг чиқса текин бериш керак”, деган қистови унинг олийгоҳга кириб, талаба бўлиш орзусини тумандай тарқатиб юборди. Тақдирга бўйин эгди, катталарнинг хоҳиш-истаги билан тўйга рози бўлди.



Дастлаб Масруранинг уй-рўзгор юмушларига, пишир-куйдирга чаққонлигини янги хонадондагилар бирдек алқардилар. Ҳафталар ойларга улангани сари келинчакнинг қалбида ҳам масрурлик, жуфтига бўлган меҳр-муҳаббат ҳисси уйғонди. Бироқ уч-тўрт ой ўтгач, куёв уйга жуда кеч қайтадиган, баъзан эса кунлаб келмайдиган одат чикарди. Токсикоздан қийналаётган келинчакнинг тун бўйи кўчага кўз тикиб кутиши доимий тус олди. Ахийри қайнонасига “ёрилди” “Ўғлингиз уйга келмаяпти...” деб. Қайнонаси ажабланмади, хавотирланмади ҳам. “От айланиб қозиғини топади, чиданг!” деди, холос. Ойлар ўтгани сайин Масруранинг ҳамма орзу-ниятлари сароб экани ойдинлаша борди. Куёв бўлмишнинг Масрурадан олдин бошқа аёл билан шаръий никоҳдан ўтиб, яшаб келгани, ундан кўнгли узолмаётганини билгач, ер-у осмон чирирак бўлиб, келинчак йиқилди. Кўзини очганида, шифохонада эди. “Сохранения”да бир ҳафта ётди ҳамки, на қайнонаси, на эри хабар олди. Уйга рухсат берилгач, қайнонасига кўнгирак қилишди. “Ўғлим қизинглар билан яшамоқчи эмас. Хохламаяпти. Ажрашмоқчи... Мен нима ҳам дердим?!” деган жавобни эшитган ота-онаси Масрурани ўз уйларига олиб кетишди.

Мана, ҳозир Масруранинг ўғли беш ёшда. Аммо бу болакай ҳали бирор марта ҳам отасини кўрган эмас. Ваҳоланки, бир шахарда яшайдилар. Масрура эса ҳар ой собиқ эри тўлайдиган 300 минг сўм атрофидаги алиментни боланинг боғча тўловига ҳам етказолмай, пул топиш илинжида ўзини ўққа-чўққа уриб, ҳали бозорда сотувчилик, ҳали тикувчига ёрдамчи, ҳали ошхонада идиш ювувчи бўлиб ишлайди.

- Афсуски, бугун жамиятимизда Масрура сингари рўзгор ва фарзанд таъминотини тўлиқ ўз елкасига олиб, турмуш қийинчиликларида эзиллиб яшаётган ёлғиз аёллар оз эмас, - дейди Тошкент шахар Олмазор туманидаги “Шодиёна” МФЙ фаоли, “Саломатлик” ордени соҳибаси Заҳида Мирзаева. - Бир пайтлари маҳаллада бирор бир оиланинг дарз кетгани ҳақида эшитсак, гўё ёзда қор ёққандай таажжубланардик. Маҳалла-кўйнинг аралашуви, кўпни кўрган кайвониларнинг йўл-йўриги билан қанча оилалардаги қўйди-чиқдилар зумда барҳам топарди. Ҳозир эса ажримлар, айниқса, ҳали тўйи бўлганига бир йил ҳам тўлмаган ёш оилаларнинг бузилиши фавқулодда ҳол саналмай қолди. “Фалончининг қизи қайтиб келибди, куёви наркоман экан”, “Фалончи келини кетиб қолибди, ўғлининг бошқа хотини бор экан” каби сийрат-у фитратимизга ярашмайдиган хабарларни эшитишга қулоғимиз ҳам ўрганди. Аслида бу жуда аянчли ҳолат. Бир никоҳ бузилса, Арш ларзага келади, дейдилар. Ён-атрофга боксак, баъзан арзимас сабаблар билан қанча-қанча никоҳ ришталари узилиб кетаётганини кўряпмиз. Бошқача айтганда,

мўртлашаётган оилалар кўп. Одамларимизда, хусусан, ёшларимизда оилани муқаддас билиш, эр-хотиннинг бурч ва масъулиятларини унутиш кўникмалари илдизини узоқ муҳокама қилиш мумкин. Аммо бир нарсани айтмасам бўлмайди. Оилаларнинг парчаланиб кетаётгани улардаги неча-неча фарзандларнинг қалбини, керак бўлса, тақдирини парчалаб юборяпти. Шуниси аниқки, оила ҳаловати – бу жамиятнинг ҳаловати, фарзандларнинг бахт-у саодатидир.

Айни кунларда расмий интернет нашрларида, ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонда шу йилнинг 9 ойида эллик мингдан ортиқ эр-хотин ажрашиш учун судга ариза бергани ҳақидаги янгилик “айланиб турибди”. Олий суд томонидан тақдим этилган ахборотга кўра, уларнинг 27 минг 578 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган (никоҳлар бекор қилинган). Статистик ўрганишлар кўрсатадики, юртимизда ажримлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу хавотирли тенденция, албатта. Асрлар оша давом этиб келган асл қадриятларимизга, миллий қараш ва анъаналаримизга ёт бундай ҳолатни келтириб чиқараётган сабаб ҳамда оқибатларни узоқ санаш мумкин. Бироқ, юқорида сўхбатдошимиз З. Мирзаева урғу берганидек, оилавий ажримлардан энг кўп азият чекаётган – бу болалар экани шубҳасиз.

Кўп ҳолларда оналари билан қолаётган, отасини соғиниб, унинг йўқлаб келишини интиқ кутаётган, бегуноҳ, мурғак кўнгли ўксик, маъсум орзулари пажмурда болалар... Уюшмаган, жамиятда ўрнини топмаган ёшлар, жиноят оламига кирган, руҳий-психологик бузилишларга учраган, аламзада йигит-қизларнинг орасида нотўлиқ,

“““

ОДАМЛАРИМИЗДА, ХУСУСАН, ЁШЛАРИМИЗДА ОИЛАНИ МУҚАДДАС БИЛИШ, ЭР-ХОТИННИНГ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТЛАРИНИ УНУТИШ КўНИКМАЛАРИ ИЛДИЗИНИ УЗОҚ МУҲОКАМА ҚИЛИШ МУМКИН. АММО БИР НАРСАНИ АЙТМАСАМ БўЛМАЙДИ. ОИЛАЛАРНИНГ ПАРЧАЛАНИБ КЕТАЁТГАНИ УЛАРДАГИ НЕЧА-НЕЧА ФАРЗАНДЛАРНИНГ ҚАЛБИНИ, КЕРАК БўЛСА, ТАҚДИРИНИ ПАРЧАЛАБ ЮБОРЯПТИ.

яъни, отасиз ёки онасиз ўсаётганлар салмоқли қисмни ташкил этишини ҳисобга олсак, ажримларга шунчаки индивидуаллашаётган, эркак ва аёлнинг оиладаги ўрни,

вазифаларига доир миллий ёндашувларимиз йўқолиб бораётган жамиятга хос феномен сифатида қараш бирёқлама бўлиб қолади.

Эрдан ажрагач, ҳам ота, ҳам она бўлиш аҳдида ҳаёт йўлида курашаётган, кўпинча ожизалиги, илмсизлиги, дунёқарашининг ҳаминқадарлиги боис машаққатлар қаршисида чорасиз қолаётган масруралар – улар ҳақида сўзлаш янада оғир.

Ўтган ҳафтада давлат раҳбари раислигида маҳалла тизимини такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу муаммо ҳам тилга олинди. Оилалар ажримлари, алимент тўлашдан бўйин товлаш, оиласи ва болаларини кредит қарзлари билан ташлаб кетиш ҳолатлари учраётгани, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари барчани – ҳокимлар, “маҳалла еттилиги”, нуронийлар, бутун жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солиши кераклиги қайд этилди.

Оила қуриш бу – нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғи ва фарзандлари олидидаги катта масъулият эканини ёшларга тушунтириш, ажримларда тарафлар, айниқса, фарзандлар оғир моддий аҳволга тушишининг олдини олиш учун никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликларини тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Никоҳ шартномаси институти қонунчилигимизда аниқ-тиниқ белгиланган ва жаҳон тажрибасида кенг оммалашган бўлса-да, бизнинг қадриятларимиз, тутумларимиз, оилавий анъаналаримизда бундай шартномага эҳтиёж бўлмагани рост. Аммо давр ва қарашлар ўзгаряпти, авлодлар алмашияпти, жамиятда қайсидир маънода никоҳ шартномасига эҳтиёж тўлиқ етилиб келди.

-Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг “Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби” деб номланган 6-боби (29-36-моддалардан иборат) да никоҳ шартномаси ҳақида сўз боради, -дейди Тошкент шахар Сергели туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилдора Хайитбаева. -Унга кўра, никоҳланувчи шахсларнинг никоҳда бўлган даврида ҳамда эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ- мажбуриятларини

“““

...СўНГИ 3-4 йИЛДА ЁШЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ҲОЛАТЛАРИ СЕЗИЛАРЛИ ОШДИ. ҲУҚУҚШУНОС СИФАТИДА БУ ЎЗГАРИШНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАЙМАН. ЧУНКИ НИКОҲЛАНУВЧИЛАР НАФАҚАТ ЎЗЛАРИ, БАЛКИ ТУҒИЛАЖАК ФАРЗАНДЛАРИНИ, УЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ ҲАМ НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШЛАРИ ШАРТ. ШУНДА ОТАСИ ТОМОНИДАН ЕТАРЛИ ТАЪМИНОТСИЗ ВА ОНАСИ БИЛАН БОШПАНАСИЗ, САРСОН-САРГАРДОН ҚОЛАЁТГАН, КЕЛАЖАГИ МАВҲУМ БОЛАЛАР СЕНИ КўПАЙМАЙДИ.

белгилловчи келишуви никоҳ шартномаси ҳисобланади. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Оила кодексига асосан, никоҳ шартномаси тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ шартномасида мулкий муносабатлар (ҳар бир турмуш ўртоққа тегишли мол-мулк; умумий мулкка айлантириладиган мол-мулк рўйхати; ажрашиш пайтида мол-мулкни бўлиш тартиби), молиявий мажбуриятлар (бир томоннинг иккинчисига моддий ёрдам бериш шартлари, масалан, уй-жой, ижара, ўқиш харажатлари, қарздорлик кимга ва қандай ҳолатда юкланиши каби) акс эттирилади.

Миллий қонунчиликка асосан эр ва хотиннинг никоҳ даврида топилган барча нарсаси биргаликдаги мулк саналади. Никоҳ шартномаси эса эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Шунингдек, ушбу ҳужжатда мулкнинг айрим турлари ёки муайян даромадлар бўйича муносабатларни ўзгартиришга изн берилади. Никоҳ шартномасида эр ва хотин рўзгор учун қилинадиган харажатларни ким тўлашини, бир-бирига берадиган таъминот миқдорини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилса, уни бошқариш, эгалик қилиш ва турли хил шартномалар тузиш ҳуқуқлари кимда бўлишини, никоҳ даврида ҳам, никоҳдан кейин ҳам мулкий

муносабатларни белгилаб олишлари мумкин.

Жамиятимизда никоҳ шартномасига нисбатан салбий фикрдаги инсонлар борлигини инкор қилолмаймиз. Айниқса, тўйдан олдин қиз ёки йигит никоҳ шартномаси тузиш ҳақида таклиф берса, “Бунинг нияти бузук...” сингари айбловларни қўядиганлар топилади. Уларнинг наздида бу фақат мулкий манфаатни кўзлайдиган, оилавий қадриятлар ва анъаналаримиз бузилишига олиб келадиган амалиёт гўёки... Шу билан бирга, никоҳ шартномаси бугунги кунда жуда ҳам керакли келишув эканини айтаятган ҳамюртларимизни ҳам учратаяпмиз. Хусусан, тадбиркорларимиз орасида бу амалиётнинг тарафдорлари кўп. Нотариал фаолиятидаги кузатишлар асосида айтишим керакки, сўнгги 3-4 йилда ёшларимиз ўртасида никоҳ шартномаси тузиш ҳолатлари сезиларли ошди. Ҳуқуқшунос сифатида бу ўзгаришни ижобий баҳолайман. Чунки

Европа ва Қўшма Штатларда никоҳланувчи шахсларнинг ўртача 70 фоизи никоҳ шартномасини имзолайди. Бу нафақат ғарбона менталитет, балки ўша давлатлар қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам изоҳланади. Улардаги никоҳ шартномаларида томонларнинг мулкий муносабатлари билан бир қаторда уй-рўзгор масъулияти, фарзандлар тарбияси ва оиладаги ҳар қандай мажбуриятлар киритилади.

Тўғри, ҳеч бир йигит ёки қиз оила остонасига ажрашиш ниятида қадам қўймайди. Бироқ турмуш чиғирикларига чидамсиз, соф туйғулари ва аҳду паймонларини унутаётганлар, таассуфки, жамиятимизда оз эмас. Бундай вазиятда никоҳ шартномаси уларга қонуний мажбуриятларини эслатиб, нотўғри қарордан тийиб туриши мумкин. Ҳар ҳолда ҳозирча ягона чора шу, бизнингча.

**Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



БУГУН ДЎКОНГА КИРСАНГИЗ, ПЕШТАХТАЛАРДА ТУРЛИ ТУНУКА ИДИШЛАРДАГИ ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРГА КЎЗИНГИЗ ТУШАДИ. “КУЧ БЕРАДИ”, “УЙҚУНИ КЕТКАЗАДИ”, “ЭНЕРГИЯ МАНБАИ” ДЕГАН ЁЗУВЛАР ОДАМНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛАДИ. АММО ШИФОКОРЛАР БУНИНГ ИЧИДА КУЧ ЭМАС, БАЛКИ ХАВФ ЯШИРИНГАНИНИ АЙТИШМОҚДА. СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР БОЗОРИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ЎСМОҚДА. ТАЪЛИМ, ИШ ЁКИ СПОРТ БИЛАН БАНД БЎЛГАН ЁШЛАР БУ ИЧИМЛИКЛАРНИ “ЧАРЧОҚНИ КЕТКАЗУВЧИ” ВОСИТА СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАШДИ. АММО, БУ “ҚУВВАТ”НИНГ ОРТИДА СОҒЛИҚҚА ЖИДДИЙ ЗАРБА ТУРИБДИ.

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИК НИМАСИ БИЛАН ХАТАРЛИ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, дунёда вояга етмаган ўсмирларнинг энергетик ичимликни кўп истеъмол қилишаётгани ташвишланарли ҳол. Ташкилотнинг маълумотларига қараганда, баъзи мамлакатларда 12–17 ёшли болаларнинг қарийб ярми ҳафтасига камида бир марта энергетик ичимлик истеъмол қилади. Бу кўрсаткич 2000-йилларда фақат катталар орасида қўзатиларди. Ҳозир эса мактаб ёшидаги болалар ҳам бу маҳсулотни “спортда кучайиш” баҳонасида истеъмол қилапти.

2017 йилда АҚШнинг Шимолий Каролина штатида 16 ёшли ўсмир мактабда тўсатдан ҳушидан кетиб, шифохонада вафот этди. Мутахассислар текширув натижасида унинг сўнгги соатларда 3 хил кофеинли ичимлик — қаҳва, сода ва энергетик ичимликни истеъмол қилганини аниқлашди.

Мутахассислар бу ҳолатни “кофеин токсиклиги” — яъни, юракнинг ортиқча қўзғалиши ва аритмия билан изоҳлашган эди.

Маълум бўлишича, ҳар йили дунё бўйлаб 20 мингдан ортиқ киши энергетик ичимликларнинг ортиқча истеъмоли сабабли шифохонага ётқизилади.

Хўш, энергетик ичимликлар таркибида инсон учун хатарли нима бор ўзи?

Маълум бўлишича, унинг таркибида кофеин, қанд, табиий ёки сунъий стимуляторлар бўлади.

Келинг, буни битта идишдаги энергетик ичимлик мисолида кўриб чиқамиз.

- Кофеин: бир идишда 3–4 пиёла қаҳвага тенг кофеин бўлиши мумкин. У юрак уришини тезлаштиради, қон босимини оширади ва асаб тизимини қўзғатади.
- Қанд: бир банкадаги қанд миқдори 12 қошиққа яқин бўлади. Бу диабет, семизлик ва тиш касалликларига олиб келади.
- Таурин ва гуарана: бу моддалар кофеин таъсирини янада кучайтиради. Натижада организм сунъий равишда “кўтарилади”. Аммо кейин тез пасаяди.

АСЛИДА ЭНЕРГИЯ ЭМАС, СТРЕСС МАНБАИ

Ушбу ичимлик истеъмолидан кейин бир неча дақиқа ичида инсонда жўшқинлик, диққатни тўплаш ва фаоллик ҳисси пайдо бўлади. Бирок бу таъсир вақтинча — унинг ортидан организмда чарчоқ, хаддан зиёд юрак уриши ва асабийлик юзага келади, - дейди **шифокор Гулҳаё Муродова**. - Тиббий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш юрак-қон томир тизимига салбий таъсир қилади, уйқусизлик ва асабийлашишни кучайтиради, кўп миқдорда қанд ва кофеин сабаб диабет ва қон босими муаммоларига олиб келиши мумкин.

Айниқса, ёшлар ва ўсмирлар учун энергетик ичимликлар хавфли ҳисобланади. Чунки уларнинг организми ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлиб, кучли стимуляторларга жавоб реакцияси тезроқ ва оғирроқ кечади.

Шунинг учун мутахассислар ёшларга бу турдаги ичимликларни истеъмол қилмасликни тавсия этишади. Табиий энергия манбалари — соғлом уйқу, тоза ҳавода сайр қилиш, мева-сабзавот ва сув истеъмолини ошириш анча фойдали ва хавфсиздир.

Бу турдаги ичимликларнинг ёш организмга зарарлари талайгина. Биринчи навбатда, инфаркт миокардига олиб келади. Қон қуюқлашиши натижасида босим ортиб, иш фаолиятининг бузилишини ҳам келтириб чиқаради, - дейди **терапевт-шифокор Зафар Очилов**. - Сабабини оддий тилда тушунирадиган бўлсам, энергетиклар бугун сизга эртанги қувват манбаидан олиб беради ва эртага бугунгидан икки баробар кўпроқ чарчоқ ҳис қиласиз. Ўз навбатида, бу каби ҳолат кишида тобеликни ҳосил қилади. Бориб-бориб ушбу ичимликлар салбий таъсирини намоён қила бошлайди. Таркибида адреналин, таурин ва кофеиннинг кўп миқдорда мавжудлиги уйқунинг бузилиши, юрак ўйнашига олиб келади.

Организм ҳали тўлиқ шаклланмаган одамларда (ёшларда) юрак, меъда-ичак, асаб тизимлари хаддан ташқари таъсирларга сезгир бўлади. Унутмайликки, организм сунъий энергияни эмас, табиий дам олишни хоҳлайди. Соғлом одатлар аслида ҳақиқий куч манбаидир.

— Энергия қуввати танамизга суюқликдан эмас, асосан оқсилдан келади. Масалан, аминокислота танамизга қурилиш озүқаси сифатида сингади. Шунингдек, ёғлардан, тўйинган ёғ кислотасидан оқсиллар йиғилади. “В” гуруҳидаги витаминлар эса организмда катализатор вазифасини ўтади. Ушбу моддалар ўрнини бошқа ҳеч қандай озүқа билан алмаштириб, тўлдириб бўлмайди. Бугун истеъмол қилинаётган таомларда айнан ушбу моддаларнинг етарли эмаслиги энергетик ичимликларни ичишга қайсидир маънода туртки бўлмоқда, - дейди **биолог**

“

ТИББИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРНИ МУНТАЗАМ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЮРАК-ҚОН ТОМИР ТИЗИМИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ, УЙҚУСИЗЛИК ВА АСАБИЙЛАШИШНИ КУЧАЙТИРАДИ, КЎП МИҚДОРДА ҚАНД ВА КОФЕИН САБАБ ДИАБЕТ ВА ҚОН БОСИМИ МУАММОЛАРИГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН.

Ирода Сайфиддинова. - Унутмаслигимиз кераки, бу ўзини ўзи алдаш, деганидир.

Организмга керакли бўлган озиқ-овқатни вақтида бермасак, ҳолсизлик, чарчоқ юзага келади. Яхшиси, кўпроқ салатлар истеъмол қилиш зарур. Ярим килограмм салатдаги қарам, сабзи, кўкатлар, қизил лавлаги бизга бир кунлик қувват манбаини таъминлашга ёрдам беради. Энергетик ичимликлар бугун танамиздаги резервлар ҳисобига уни қувватлантириб, яшаб туришига ҳисса қўшади.

Кун келиб ушбу заҳира қувват тугагач, касаллик келтириб чиқаради ва уларни тиклашнинг имкони йўқ. Шунинг учун эҳтиёт чорасини ҳозирдан кўриш талаб этилади.

Аслида ҳар қандай газли ичимликлар иссиқдан ҳимояламайди ва чанқоқ босмайди. Чунки кунлар исиган вақтда танамиздаги сувни ушлаб туриш учун минераллар керак бўлади. Улар эса сабзавот ва кўкатларда ҳамда қатикда мавжуд. Бундан ташқари, энергетик ичимликлар таркибида кофеиннинг кўплиги сабабли иссиқ ёз кунларида организмдаги тонусни ошириб юборади. Натижада юрак қон-томир касалликларини юзага келтириш хавфи ортади. Чунки инфарктни келтириб чиқарувчи асосий омил — бу қон томирнинг мўртлашиши, ёрилиб кетиши организмда тўйинган ёғ кислотаси ҳамда витаминларнинг етарли эмаслиги билан тавсифланади.

Қон қуюқлашиши ёки қурилиш озүқалари камлиги ҳам инфарктга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, соч толаси шикастланса, уни кўрамиз ва ҳимоялаш чораларини қўллаймиз. Томирларимиз ҳам

ҳудди ана шу соч толасидек бўлади, унинг мўртлашиши жиддий салбий оқибатларга олиб келади.

Невропатолог Дилшод АБДУВАЛИЕВнинг сўзларига кўра:

“Бу ичимликлар “куч беради” деган афсона ортидан психологик боғлиқлик пайдо бўлади. Киши уларсиз кунни бошлай олмайди. Бу эса кофеинга қарамликнинг белгисидир. Одам ўзининг табиий ритмини йўқотади — уйқу, овқат, дам олиш издан чиқади. Шу боис бу ичимликлар фақат соғлиқни эмас, балки ҳиссий барқарорликни ҳам бузади.

Энергетик ичимликлар меъёридан ортиқ истеъмол қилинганда қонда глюкоза миқдори кўпайиб кетади. Шакарнинг ортиқча қисми ёғга айланади ва инсулин организмда кўпайиб, қандли диабетга олиб келади.”

ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАРДАН САБОҚ

Ташкентлик талаба Даврон (исми ўзгартирилган) ҳар куни дарсдан кейин икки банка энергетик ичимлик ичишни одат қилиб олган эди. “Тетик бўлман, диққатим ортади”, дерди у. Бир куни юраги тез ура бошлади, боши айланди, нафаси қисилди. Шифокорлар “юрак аритмияси” ташхисини қўйишди.

“Давронга ёрдам бериш учун бир неча кун даволадик, сабаби аниқ бўлди — энергетик ичимликлар юрак фаолиятини бузган”, дейди **шифокор-кардиолог Маҳмуд Қаршиев**.

Навоий вилоятида 17 ёшли ўсмир футбол машғулоти олдидан икки идиш энергетик ичимлик ичган. Машғулот пайтида у ўзини ёмон ҳис қилиб, ҳушини йўқотган. Кейин маълум бўлишича, унда қон босими кескин ошиши ва юрак уриши бузилиши содир бўлган.

Хўш, зарарлигини била туриб, ёшлар нега яна шундай хавфни танлайди?

Холида ЗИЁЕВА, ЎЗМУ ижтимоий фанлар факультети доценти:

- Бунинг асосий сабаблари — реклама, муҳит ва маълумот етишмаслигида, деб биламан.

Масалан, айтийлик, Телеграм ва TikTok’да “энергия ичимликсиз кун

бўлмайди” деган видеолар кўпайган. Ёшлар кўпинча бу маҳсулотларнинг таркиби ва таъсирини ўқимайди. Уларнинг кўпчилиги “буни спортчилар ичади, демак, фойдали”, деб ўйлайди.

Лекин шифокорларнинг айтишича, спортчилар махсус тиббий назоратда бўлади, улар фақат профессионал тайёрланган энергетик қўшимчаларни аниқ дозада қабул қилади.

Ёшлар орасидаги сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик энергетик ичимликни “стрессни енгиш” учун истеъмол қилади. Бирок бу вақтинчалик ҳис. Кофеин таъсири тугагач, инсон яна бўшашиш, чарчоқ ва руҳий тушкунликка дуч келади. Шу маънода айтадиган бўлсак, сунъий энергия – вақтинчалик “қалқон”.

ҚОНУН ВА ЖАМОАТ НАЗОРАТИ

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда энергетик ичимликларни болаларга сотиш тақиқланган.

Масалан, Литва ва Норвегияда бу ичимликлар 18 ёшгача бўлганларга сотилмайди. Ўзбекистонда ҳам бу борада маълум қонуний чекловлар амалда.

- Жумладан,
- 2019 йилда энергетик ичимликларни реклама қилиш тартиби чекланди. Уларни “куч беради” ёки “чарчоқни йўқотади” каби даъволар билан реклама қилиш мумкин эмас. Шунингдек, энергетик ичимликларни соат 7:00дан 22:00гача реклама қилиш тақиқланади.
- Энергетик ичимликларни 18 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш қуйидаги миқдорда жарима солишга сабаб бўлади:
 - фуқароларга БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (1 млн 875 минг сўмдан 3 млн 750 минг сўмгача);
 - — мансабдор шахсларга БҲМнинг 7 бараваридан 15 бараваригача (2 млн 625 минг сўмдан 5 млн 625 минг сўмгача).

Ҳақиқий энергия — бу организмдаги табиий куч, руҳий барқарорлик ва хотиржамликда аслида. Бу кучни ҳаётга бўлган иштиёқдан, соғлом турмуш тарзидан излаш керак. Ёшлик — табиатнинг энг соф энергияси. Сунъий “куч” қўшиш унинг жозибасини йўқотади. Тўғри овқатланиш, яхши уйқу ва ҳаракат инсонни ҳақиқий тетик қилади.

Инсон табиатан ҳам етарлича энергияга эга. Фақат унинг тўғри йўналишини топиш, тана ва руҳни уйғун ҳолда сақлаш керак. Бу — соғлом ҳаётнинг энг чинакам куч-қувватидир.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

“

ҲАҚИҚИЙ ЭНЕРГИЯ — БУ ОРГАНИЗМДАГИ ТАБИЙ КУЧ, РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКДА АСЛИДА. БУ КУЧНИ ҲАЁТГА БЎЛГАН ИШТИЁҚДАН, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДАН ИЗЛАШ КЕРАК. Ёшлик — ТАБИАТНИНГ ЭНГ СОФ ЭНЕРГИЯСИ. СУНЪИЙ “КУЧ” ҚЎШИШ УНИНГ ЖОЗИБАСИНИ ЙЎҚОТАДИ. ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ, ЯХШИ УЙҚУ ВА ҲАРАКАТ ИНСОННИ ҲАҚИҚИЙ ТЕТИК ҚИЛАДИ.

СЎЗГА МУҲРЛАНГАН ҲАЁТ

Оқдарё туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактаби... Яқинда мактабда хотира бурчаги ташкил этилди. Бу ердаги ҳар бир сурат, ҳар бир қоғоз — эл севган журналист, халқ сўзини ҳимоя қилган қалам соҳибининг изидир. Энди бу жойда ўзбек журналистикасининг фидойиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов номи билан боғлиқ хотира жонланди. Мактабга кирган ҳар бир ўқувчи беихтиёр устозимиз, қалами ўткир журналист ижодини, иқтидорини ҳис қилади. Бу ерда у тирикдек. Унинг табассуми суратлардан нур сочади, мақолалари унсиз гапирadi.



ХОТИРА

қўймасди, “Бошингни баланд кўтариб юр”, деб кўп айтардилар.

ОТАМ ҲЕЧ ҚАЧОН БАЛАНД ОВОЗДА ГАПИРМАСДИ, ЛЕКИН ГАПЛАРИ ҲАММАГА ТАЪСИР ҚИЛАРДИ. УНГА ЯҚИН БЎЛГАНЛАР БИЛАДИ: У ҚАЛБ БИЛАН ЭШИТАР, ҚАЛБ БИЛАН ЁЗАРДИ. ҲАР БИР ОҒИР КУНДАН КЕЙИН ҲАМ У ТАБАССУМ ҚИЛАРДИ. “ҲАҚИҚАТ ОҒРИҚЛИ БЎЛИШИ МУМКИН, ЛЕКИН У ДАВО ҲАМ БЎЛАДИ”, ДЕРДИ.

Ростини айтсам, кўзимга ёш келди. Бу мен учун фақат отамнинг эмас, балки унинг сўзи, меҳнати, фидойилиги эътирофи эди. У ўша мактабда илм олган, орзулар қилган. Энди эса унинг номи шу мактабда абадий ёзилиб қолди. Мен учун бу — фахр ва миннатдорлик.

Мен отам билан фахрланаман. У орқали мен сўз қадрини, инсонийликнинг чинакам маъносини ўргандим. Отам ҳозир ораимизда йўқ, аммо қалами ҳали ҳам ёзиб тургандек.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Бир вақтлар шу мактаб синф хоналарида орзуларга тўла бир бола ўтирган. Қўлида оддий дафтар, юрагида катта орзу бор эди — журналист бўлиб, инсонларга ҳақиқатни етказиш. Йиллар ўтди... Ўша бола — Сафар Остонов бутун мамлакат тан олган журналистга айланди. Энди эса унинг номи она мактаби деворларида абадий ёзилган.

Устозимиз, камтарин инсон, катта одам Сафар Остонов ҳақида сўз кетганда, “эслаш” сўзи етарли бўлмайди. Чунки у киши ҳаёти ва меҳнати билан сўз қадрини, ҳақиқат қудратини юксакларга олиб чиқди. Унинг хотираси қалбларимизда сақланиб қолган издир.

Хотира бурчаги ана шу маънавий изни кўрсатди, дейиш мумкин. Бу ерда меҳр, садоқат ва илҳом руҳи бор.

Шу муносабат билан яқинда мактабда ижодий учрашув ҳам ўтказилди. Тадбирда устознинг ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари ва фарзандлари иштирок этишди.

Қайд этилдики, Сафар ака ўз ҳаёти давомида “Журналист фақат ёзмаслиги, у инсон қалбини эшитиши керак” деган ақидага амал қилган. Унинг барча мақолаларида инсон тақдири, меҳнаткаш халқ, тинимсиз изланиш ва юртга муҳаббат мавзуси устувор бўлган.

Ҳаётда у ҳар доим оддий, камтарин, лекин самимиятга тўла инсон бўлиб қолди. Сўзга чиққан ҳамкасблар, фарзандлари, шогирдлар устозга битта сўз билан таъриф берди: “У ҳақиқатни яхши кўрарди.”

Тадбир давомида умрининг 55 йилини журналистика соҳасига бағишлаган қалам соҳибининг ижоди, меҳнатлари эътироф этилди, хотиралар жонланди.

Фармон ТОШЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати, шогирди:

- Сафар ака Остонов зиёли сифатида жамиятимизда ҳаммага ибрат бўладиган инсон эди. Нафақат ҳамкасбларига, шогирдларига, устозларига, балки умуман илм аҳлига, халқимизга намуна бўладиган фазилатларга эга киши эди. Устоз ишда ҳам, ҳаётда ҳам, депутатлик фаолиятида ҳам ўз сўзи билан одамларнинг хавасини келтирган. Биз ҳамкасб сифатида устознинг ҳаётини ўзимизга ибрат деб билганмиз. Чунки у инсон ёлгон гапирмасди, бировни алдамасди. Сафар ака ҳар доим Ватаннинг шаъни учун, инсоннинг шаъни учун курашган.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
ҳамкасби:

- Бу инсон учун журналистика бу касб эмасди, бу ҳаёт тарзи эди. У “газета” деган сўзни муқаддас деб билар, ҳар бир саҳифани халқ билан мулоқот майдони сифатида кўрарди. Унинг қаламидан чиққан сатрларда даъват, меҳр, инсоф ва эътиқод бор эди. Бугун у

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ХАЛҚ ИШОНЧИ ЭНГ МУҲИМ МАҚСАД БЎЛИШИ КЕРАК

6 марта рад этилиб, 7-мартда рўйхатга олинган.

Бундай ҳолатлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг вақтини ўғирлаб, асоссиз равишда қўшимча вақт ва маблағ сарфланишига олиб келмоқда.

Муддат бузилиши ва асоссиз рад этишлар ҳам жиддий қонунбузилишлардан биридир. Кадастр хизматларини кўрсатишда белгиланган муддатларнинг бузилиши ёки аризаларнинг асоссиз рад этилиши ҳолатлари учун 7 нафар ходимга интизомий чоралар қўрилган, 2 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган. 2025 йил бошидан бери қўчмас мулк кадастр паспортини бериш бўйича келиб тушган аризаларнинг 12 фоизи рад этилган.

Қўчмас мулкни расмийлаштиришдаги тўсиқлар мавжудлиги ҳам бу борадаги лоқайдликлардан далолат. Янги қурилган кўп қаватли уйлар эксплуатацияга олинмагани сабабли, уларда яшовчи фуқаролар ўз уйлари учун кадастр ҳужжатларини расмийлаштира олмаётган ҳолатлар оз эмас. 2025 йилнинг ўтган даврида 1024 та хонадон куриб битказилган, 1 минг 501 таси эса топширилиш жараёнида.

Кадастр ходимлари ўзбошимчалик билан эгалланган ерларни хатловдан ўтказиш ишларида банд бўлгани сабабли келиб тушаётган аризаларни белгиланган муддатда кўриб чиқишга улгурмаётганликларини таъкидлашади. Аммо бу баҳона бўлолмайди, албатта.

Умун олганда, Бухоро шахри кадастр идоралари фаолиятида

портали орқали электрон шаклда олишлари мумкин. Шунингдек, davreestr.uz портали орқали қўчмас мулк объекти ҳақида онлайн маълумот олиш имконияти яратилган.

Аҳоли билан мулоқотни яхшилаш мақсадида махсус Telegram-ботлар ишга туширилган: @Kadastr_muloqot_bot орқали фуқаролар ўз саволлари, таклиф ва шикоятларини юборишлари мумкин. Бу бот 24 соат давомида ишлайди ва мурожаатларга тезкор жавоб беришни кафолатлайди.

Эътиборлиси, Давлат кадастрлари палатаси Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи Элбек Зайниддиновга аҳоли тўғридан-тўғри мурожаат йўллаши учун @Elbek_Zayniddinova_murojaat_bot мавжуд. Бундан ташқари, Facebook ва Instagram каби ижтимоий тармоқларда Давлат кадастрлари палатаси Бухоро вилоят бошқармаси ва Кадастр агентлиги Бухоро шаҳар филиали томонидан ҳам фуқаролар мурожаатларига тезкор жавоб бериш тизими йўлга қўйилган. Бундай чоралар, табиийки, одамларнинг давлат идораларига бўлган ишончини оширишга ёрдам беради.

Депутатлар томонидан ўрганишлар олиб борилганида, ижобий ўзгаришларга қарамай, кадастр идоралари фаолиятида бир қатор камчиликлар

ҳам аниқланди. Энг асосий муаммолардан бири — техник хатолар туфайли фуқаролар ва юридик шахсларга нотўғри солиқ ҳисобланишидир. Кадастр органлари баъзи фуқароларда ер участкаси мавжуд бўлмаса ҳам, бу ҳақида солиқ идораларига нотўғри маълумот тақдим этган. Бухоро шахрининг ўзида 2025 йилда бундай ҳолатлар туфайли 50 дан ортиқ солиқ ҳисоботи қайта тақдим қилинган. Шунингдек, “UzKAD” дастурида ноқонуний эгалланган ерлар ҳақида нотўғри маълумотлар шакллантирилгани сабабли, корхоналар иқтисодиётига сезиларли зарар етказилмоқда. Бу маълумотларни тузатиш жараёни эса 3 ойдан бир йилгача чўзилиб кетмоқда.

Аризаларни кўриб чиқишдаги бюрократия ва сансалорлик ҳолатлари ҳам жиддий муаммо ҳисобланади. Айрим ҳолларда барча ҳужжатлар тўғри бўлишига қарамай, аризалар бир неча марта асоссиз рад этилган, сўнг ҳеч қандай ўзгаришларсиз қайта юборилганида қаноатлантирилган. Масалан, бухоролик фуқаро Ботир Шарипов Шомуродовичнинг кадастр йўғма жилдини шакллантириш бўйича аризаси 4 марта рад этилиб, фақат 5-мартда қаноатлантирилган. “Газо Агро Индустрия” МЧЖнинг аризаси эса

““

ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛГАНИДА, ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ҚАРАМАЙ, КАДАСТР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БИР ҚАТОР КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ. ЭНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРДАН БИРИ — ТЕХНИК ХАТОЛАР ТУФАЙЛИ ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА НОТЎҒРИ СОЛИҚ ҲИСОБЛАНИШИДИР.

рақамлаштириш ва мулоқотни йўлга қўйиш борасида сезиларли ютуқларга эришилган. Бирок, техник хатолар, сансалорлик ва аризаларни асоссиз рад этиш ҳолатлари ҳамон муаммолигича қолмоқда. Бу муаммолар фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишончга путур етказишини ҳисобга олиш, кадастр тизими ходимлари фаолиятини замон талабларига мослаштириш айна зарурат.



Робия КАЗИМОВА,
халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати.

Таъкидлаш керак, кадастр идоралари фаолиятида қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилган. Хусусан, қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ёзма аризалар қабул қилиш тўхтатилиб, бу жараён Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали йўлга қўйилган. Бу эса кадастр ишларини шаффофлаштириш ва фуқаролар учун қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Фуқаролар эндиликда ўзларининг номида шахсий турар жой бор ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотномани my.gov.uz



МУЛОҲАЗА

ДАБДАБАЛАР – МАЪНАВИЙ БЎШЛИҚ ҲОСИЛАСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси.

Қизлари бахтли бўлиб, ўзидан тиниб-тинчиб кетиши учун эса қиммат сарполар, керак бўлса, куёвларга уй, машина ҳам олиб бериши шарт. Жангдан чиққан қардошлари унга ачиниб қарайдилар. Ҳа, Шариф ўлмаслиги керак. Агар у ҳалок бўлса, уч қизини ёлғиз аёли муносиб узата олмайди. “Отаси йўқ экан”, деб хонадонига совчилар ҳам келмаслиги мумкин. “Сенинг қиз узатишинг деярли терроризм билан

курашишдек гап экан”, дейди унга рус сафдоши. “Қизнинг отаси нега энди куёвни кийинтириши керак?” деб савол беради туркман дўсти. “Бизда бундай машмашалар йўқ”, дейишади қолган қардошлар ҳам. Бир дўсти уйга қайтгач, онасини даволатишини айтса, яна бири рафиқасини денгиз бўйига олиб боришини, бошқаси отасига яхта совға қилишини сўзлайди.

Шариф эса фақат ва фақат қизларини узатишни ўйлайди. Гарчи унинг онаси ҳам хаста, гарчи унинг хотини ҳам денгиз кўрмаган, аммо уни “қиз узатиш” деган оғир юк босиб турибди...

Анча пайт мана шу фильм таъсирида юрдим. Унда жамиятимизнинг бугунига кўзгу тутилган эди.

Доим қадамда учрайдиган муҳташам тўйхоналар ёнидан ўтар эканман, ноҳақ камситилаётган келинларни ўйлайман. Келин томон олиб келган мебелларни қайтариб юбораётган, сеп қилинган гиламлар-у қимматбаҳо идишлардан камчилик топаётган қайноналар, тилла соат, тилла узук, машина дардини келинчакка шама этишдан оранмаган куёвлар кўз ўнгимдан ўтади.

Тўғриси, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий

тарғибот тадбирларида, тушунтириш ишларида миллий ўзлгимизга, инсонийликка ёт бўлган бундай “хурмача” одатларнинг хунук окибатларини ҳар доим тилга оламиз. Бу мавзуда юзлаб тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказдик. Афсуски, бундай тарғиботлар кўзлаган натижани бермаяпти, наздимда.

“Мен тадбиркорман, ўз пулимга ўзим хўжайинман, хоҳласам минг кишилик тўй қиламан. Истасам, тўйимга жаҳон юлдузларини қақираман. Тўйдан кейин “Келинсалом”да 200 та янги урфдаги кўрпадан тарқатиб, қудаларнинг ҳам, маҳалланинг ҳам оғзини очиб қўяман”, деди бир ўзига анчайин тўқ қўшнимиз.

Ҳой, барака топкур, сиз қачон бой бўлиб қолдингиз? Қайси халқнинг ортидан бирингиз ўн бўлди? Қайси ҳукумат сизнинг тадбиркорлик ҳаракатингизга кенг йўл очиб берди?

Табриклаймиз, буюрсин. Аммо, тўқликка шўхлик нечун?!

Сиз бой бўлсангиз-у, қўшингиз қўли калта бўлса, бу сизга ён-атрофдагиларни, маҳалла-қўйни камситиш учун ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди. Ўзингиздан кўра оддийроқ яшайдиганларга паст назар билан қарашга асло ҳаққингиз йўқ!

Қиз чиқарганга қирқ йил тегма, дейдилар. Оилада битта қиз бўлса-ку майли, лекин икки, уч, тўртта... қиз узатганлар нима қилсин? Одам ўзи неча йил яшайди?!

Дабдабабозлик, мактанчоқлик, исрофгарчилик, кимнидир камситиш, тўй баҳонасида “совға”, “тўёна” деган ном остида бошқаларнинг қўлига қараш қайси виждонлининг иши?

Азиз замондош! ЎЗБЕКнинг уйларидаги жажжи берунийлар, хоразмийлар, ибн синолар, бухорий-ю термизийларнинг катталар тўй баҳонасида ўйлаб топаётган хурмача қилиқларга ҳайрон бўлиб ўсаётганини, уларнинг келажagini ўйлайлик.

Тўй, келин ёки куёв чақирувлари, бешик тўйи, қуда чарлар каби ўзимиз ўйлаб топган урф-одатлар билан ўралашиб, ҳаёт мазмунини фақат шу маросимларда деб билишдан уялайлик.

Тўйлар қилайлик, шодланайлик, аммо маънавий қиёфамизни йўқотиш эвазига эмас. Бир-биримизни йўқлайлик, бирлашайлик, дардлашайлик, бироқ қиз узатиш дардида қарзга ботган ва оқибатда инфаркт, инсульт олиб кетаётган қурбонларни бериш эвазига эмас.

ТИЛ ҲАҚИДА ҲИҚМАТЛАР



“Кўнгил қулфи маҳранинг қулфи тил ва гулфин қалитин сўз бил”. Инсон қалбининг ҳазинаси тил, бу қалб ҳазинасининг қалити сўздир.

Алишер НАВОЙЙ

Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар.

Абдулла ҚОДИРИЙ.

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур.

Абдулла АВЛОНИЙ.

Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилларни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир.

Исҳоқхон тўра ИБРАТ.

Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман.

Ғафур ҒУЛОМ.

Ўз она тилини севмаган, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизикмаган одам барқамол саналмас. Ўз тилинг ўз ватанингдек азиз, ўз онангдек табаррук.

Эркин ВОҲИДОВ.

Тил – халқнинг номуси, тарих – унинг қомуси.

Жамол КАМОЛ.

Ўзбек тили нафис ва мусиқа оҳангидек жозибадор.

А.М.КОЗЛЯНИНА,
тилшунос олима, профессор.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“Драматик театр ва кино санъати” кафедрасига кафедра мудир (1).

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасига кафедра мудир (1), ўқитувчи (1).

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1).

“Миллий қўшиқчилик” кафедрасига катта ўқитувчи (1).


“Фольклор ва этнография” кафедрасига катта ўқитувчи (1).



ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза
2. Ишловчининг шахсий ва-рақаси
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари
4. Паспорт ёки ID нусхаси
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда)
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
7. Меҳнат дафтарчасининг нус-хаси

Ҳужжатлар эълон чиққан кун-дан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.



МУАССИС:



O'zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲ’АТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1037. 1585 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 00:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.